

PIPAR

Ўзбекистон халқини улуғ байрам — Йиди Рамазон ҳайити муносабати билан қизғин муборакбод этади. Қутлуғ байрам кунлари ўзбек халқини табриклар эканмиз, юртимизнинг ҳар бир гўшасида, оиласида тинчлик, фаровонлик, қут-барака бўлишини тилаймиз.

PIPAR "Соғлиғингиз учун фойдали бўлган маҳсулотлар тақдим этади."

САРМОЯЛАРГА ЭЪТИБОР

Миср сармоялари бошқармасининг раиси, фан доктори Иброҳим Фавзий ҳукумат томонидан ҳозирда ишлаб чиқилган режада маҳаллий, араб ҳамда ажнабий сармоядорлар барча соҳаларда ҳеч бир шарт ёки тусиксиз ўз лойиҳа ва дастурларини амалга оширишлари учун тула шароит яратиш, уларга ўз сармояларини мамлакатга жалб қилишларида барча енгилликларни бериш кўзда тутилади. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатга келадиган сармоялар оқимини кўпайтиришдан иборатдир.

Иброҳим Фавзийнинг таъкидлашича, утган йил Миср иқтисодига жалб қилинган сармоялар миқдори, араблар капиталини ҳисобга олганда, 1,5 млрд. долларни ташкил этган. Ҳукумат келаси йиллар учун тузган режада бу рақам 2000 йил бошларида 3 млрд. долларга етказилиши белгиланган.

Иброҳим Фавзий бошқарма бунёд этишга розилик берган лойиҳа ва дастурлар ҳақида гапирар экан, утган йил 20 августгача 5202 лойиҳа бундай розиликни олгани, уларнинг умумий таъсис фонди 187,5 млрд. Миср жунайҳини ташкил этишини маълум қилди.

Автоолам янгиликлари

МИЖОЗ ДОИМО ҲАҚ

«Хонда» компанияси миждоз доимо ҳақ, деган шиорга қатъий риоя этади. Айниқса, Шимолий Америкадаги миждоз янада ҳақдир. Эеро, жаҳондаги энг йирик автобозор шу ерда жойлашган. Фирма уйин қондасини яхши билади. Шу боис у «Вигор» ва «Легенд» русумли люкс автомобиллари утмаганлиги учун уларни янгилашга мажбур бўлди. Маълумки, люкс тоифасидаги автомобиллар америкаликлар учун муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг улуши барча автомобиль бозорининг 12 фоизига тўғри келади. Айнан АҚШда олиқ тоифадаги машиналарнинг бозори чаққон. Рақобатчилар ҳам шунга яраша. «Хонда» бозори касод автомобиллари урнига «Интер» автомобиллини қолдирди.

ИНГЛИЗЧА СИНЧКОВЛИК

Британия урта бугин раҳбарлари учун хизмат машинасини танлаш жун иш эмас. «Силикон графикс» фирмаси мутахассисларининг хулосаси ана шундай. Улар хизмат машинасини саройини алмаштириш даври келганида раҳбарларнинг жаҳон автомобиль фирмалари каталоглари ва маълумотномаларини ута синчковлик билан урганишларини аниқлади. Шу боис фирма вақтни зое кетказмаслик учун компьютерларда маълумотлар дастурини яратди.

Ватан ўғлонлари


...Яшил либос кийган ботиқ аскарлар, Ватанини кўриқлар, унга посбонлар. Она-юртин севган энг асл мардлар, Мустақил Ватаниниг ўғлонларимиз...

Ҳар бир бўлинманинг ўз кўшиги, ижро услуби бор. Барчасида Ватанга содиқлик, унга бўлган меҳр-муҳаббат, чегарачи бўлишдек шарафли вазифадан фахрланиш ҳис-туйғулари мужасамлашган.

Тадбир иштирокчилари аскарлар хизмати давомида руй бериши мумкин бўлган воқеа ва ҳодисаларнинг театрлаштирилган лавҳаларини катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Айниқса, «жосусни» ит билан ушлаш, йўловчи машинани «қўлга олиш», кузатиш қийин бўлган туманли кунларда «душман» билан олишув каби лавҳалар йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

Бу ерда ёшларнинг ҳарбий куникма олишлари ва хизматни муваффақиятли давом эттиришлари учун озмунча меҳнат қилинмаганлигининг гувоҳи бўлди. Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ишончли қўлларга топширилганлигидан кўнгилларда бир хотиржамлик кечгандай бўлди...

Юсуф БЕКМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус муҳбири.



МАЙИН ТОНГ ОТДИ

мизга қайтинг. Ҳар бирингизнинг ота-онангиз яхши тўғуллар курсин, орзу-ҳавасига етсин.

Митингдан сўнг қисмининг шахсий таркиби ҳамда ёш аскарларнинг саф куриги бошланди. Оркестрнинг дилларни қитиқловчи садоси остида қадам ташлаётган зобитлардан сўнг бўлинма командири ортидан шахдам қадамлар билан майдонга аскарлар кириб келади... Қўллар жанговар куролда, лаблар қимтилган, ияклар кутаринки, нигоҳлар жиддий бир нуқтага қадалган...

Ушбу курик ташкилотчилари аскарлар ҳаётидаги лавҳалар ҳар томонлама таъсирчан бўлишга ҳаракат қилишган. Майдонда шахдам қадамларга мос кўшиқ янграйди.

«НАВРЎЗ»

САВДО-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУИ ЖАМОАСИ

Бутун ўзбек халқини ва барча мусулмонларни

Йид-ал фитр байрами муносабати билан самимий

қутлайди. Мустақил мамлакатимизнинг

иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан янада

баркамол бўлишини тилайди.

Мана шундай саодатли, фараҳли,

ойда қилган барча ибодатларингизни, тутган

рўзаларингизни Аллоҳ Таоло ўз даргоҳида қабул

айласин. Муборак ҳайит кунларида ўзбек

халқига маъмурчилик ва равнақ тилаймиз.

Бу йилимиз янада қутлуғ, деҳқонларимиз

учун файзу баракали бўлишини насиб этсин!

Оила йили юртимиз фуқароларига

бахт-саодат, сўхат-саломатлик

ва фаровонлик келтирсин!

Ҳали ҳаммаси эмас

Тўлашдаям тўлаш бор

Ҳарбий Виржиния штатида яшовчи Роберт Чепмен мулкни баҳолаш идорасида ишларди. Ишлари бинойидек, уч йилча силлиққина хизматини бажариб юрди. Тусатдан бир миждоз билан «солиқ баҳоси»ни белгиланганда паст кетди-ю, бутун сирини очилди-қолди.

Полиция департаменти лейтенанти Дэвид Пеннингтоннинг фикрича, «унчалар паст баҳо эмас». Лекин миждоз — 45 япарлик хоним «арзон» деб даъво аризаси билан полицияга мурожаат қилди. Хонимнинг айтишича, солиқ инспектори Роберт унинг уйига келиб: «Уй-жойингизнинг баҳосини 47500 доллардан 4000 долларга тушириб бераман, агар сиз билан «келишол-сак», — дебди. Хоним «сал нархимни оширинг» деса: «Майли, 2400 долларга баҳолайман», — деб шартлашибди.

Хоним аеллик гурури устун келибми, полицияга хабар қилишга мажбур бўлди. Бу воқеа тезда шов-шув бўлиб кетди. Роберт-чи, оилалик аелга кўнгирак қилишни қўймас, «нархингизни кутараман», «солиқни тушираман», деб сурбетлик қилишда давом этди.

Полиция солиқчининг танобин-ку торди-я, аммо «керакли аеллар» 500 доллар товон тўлаб олиб чиқилди. Энди солиқчини 500 доллар жарима ва бир йиллик қамоқ жазоси кутяпти.

Даъвогар тинчлангандир. Газеталарда бу ҳақда ҳар хил миш-мишлар қилиб езишгач, яна бир қанча «нархи паст кетган» хотинлар даъво қилиб полицияга келишди.

Солиқ инспектори Жон Крименс бўлса ҳайратдан еқа ушлайди: «Йигирма йил ишлаб, бунчалик «паст кетган» хизматчини қурмовдим?»

